



ТАРОЗ, Талас (1936 й. гача Авлиёота, 1936—1938 й. ларда Мирзоян, 1938 й. дан Жамбул, 1998 й. дан Тароз) — Козогистон Республикаси Жамбул вилоятидаги кад. шахар, вилоятнинг маъмурий маркази. Олмаотадан 545 км гарбда, Талас дарёсини т. й. кесиб ўтган жойда. Аҳолиси 325 минг кишига якин (2003).

Археологик маълумотларга кўра, Тароз тахм. 5-а. да вужудга келган. Дастлаб, византиялик элчи Земарх томонидан 568 й. кайд этилган. Шахар араб, форс манбаларида Талас, Тароз, Янги номлари билан тилга олинган (8 — 18-а. лар). Кад. да Тароз Талас дарёси ёқасида жойлашган. У калъа, шахристон ва рабоддан иборат бўлган. 7-а. да Тароз муҳим савдо маркази. 751 й. Т. яқинида Талас жанги бўлиб ўтган. 9-а. охиридан Сомонийлар, 10-а. охиридан Қорахонийлар давлати таркибида. 12-а. охиридан бошлаб Қорахитойлар ва Мўғуллар истилосидан анча шикастланган Тароз таназзулга учрай бошлаган. 16-а. бошида шаҳарда гаёт барҳам топган. Тарозда ўтказилган казишмалар чоғида зардуштийларнинг оссуарийларда кўмилган қабрлари, деворий расмлар билан безатилган 11 — 12-а. ларга оид хаммом, қоризлар (сув ўтказгич) топилган. 19-а. да Авлиёота калъаси қурилган. 1864 й. да Тарозни Россия қўшинлари босиб олган. 1920 й. дан Козогистон таркибида.

Тароз кимё (фосфор, минерал ўғитлар), енгил ва озик-овкат (чармпойабзал кти, жун фкаси, мебель, тикувчилик, атторлик фкалари, хром ва резина буюмлари здлари, шакарканд, гўшт ва спирт, арак ктлари, вино, сут, балиқ, пиво здлари) саноатининг мугим маркази. Машинасозлик (коммунал асбобукуналари, кишлок хўжалиги. машиналарига эҳтиёт қисмлар, агрегаттаъмирлаш здлари ва б.), қурилиш материаллари саноатлари ривожланмокда. Тарозда 3 олий ўқув юрти (енгил ва озик-овкат саноати технология инти, гидромелиорацияқурилиш ва пед. интлари), ўлкашунослик музейи, драма театри бор. Шаҳар аэропорти, т. й. ва автовокзаллар ишлаб турибди.

Тароздан 18 км жан. гарбда ноёб меъморий обидалар: Бабажи хотун макбараси (10 — 11-а. лар) ва Ойшабиби макбараси (11 — 12-а. лар) сақланган.

Тароз

Муаллиф:

30.09.2023 18:27 -

Ад.: Бернштам А. Н., Памятники старины Таласской долины, АлмаАта, 1941; Сенигова Тароз, Средневековый Тараз, АлмаАта, 1972.